

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 6-avgust • № 32 (4067)


## АДАБИЁТ ИНСОН ВА ВАТАННИ ШАРАФЛАЙДИ

***Халқимизнинг ажойиб бир одати бор. Уй кўтарди, дейди. Қорлар эриб баҳор қуёшининг илиқ нурлари танга ором бағишлай бошлаган кунларда уй кўтаради. Димиққан қиш ҳавоси арисин, дея шолчаю гилам, кўрпаю кўрпачаларни ағдариб-қоқиб офтобга ёяди. Уй ичларини супуриб-сидиради, эшик-деворларни оқлаб-кўклаб, деразаларни ланг очиб қўяди. Боғу боғчаларга янги ниҳоллар қадайди, экинзорларни ипакдай юмшатиб уруғ сепади.***

Уйдаги бундай орасталик ҳар бир инсоннинг кўнглига кўчади.

Истиқлол қуёши ҳам бамисоли баҳор офтоби каби, мана 19 йилдирки, бошимиз узра мўл-мўл нур сочмоқда. Озодлик офтобини соғинган халқимиз эса буюк хонадон – Ўзбекистонимизни истибдоднинг оғир ҳаволаридан фориғ этиб, уни янада обод этиш мақсадида астойдил меҳнат қилаяпти. Янгиланиш жараёни самараларини эса бугун ҳар бир манзилда яққол кўриб, бевосита иштирокчи сифатида ўз ҳаётимизда, руҳиятимизда сезиб турибмиз.

Бунёдкорлик фазилатлари бутун халқимиз мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги байрамини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўраётган айни кунларда янада ёрқин намоён бўлаётир. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан давлатимиз раҳбарининг қарори эълон қилинди. Унда таъкидланганидек, “Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда”.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳаётида, шаҳру қишлоқларимиз қиёфасида, одамларимиз онгу тафаккурида беқиёс ўзгаришлар рўй берди. Қурилаётган иморатлар, йўллару кўприклар, муҳташам бинолар, коллежу лицейлар, мактаблар, гўзал ва кўркам боғлар – барча-барчаси озод ва эркин Ўзбекистон фуқаролари ҳаётини янада яхшилаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камол топтиришга қаратилган. Байрамга тайёргарлик тадбирлари, қарорда таъкидланганидек, “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” деган эзгу ғоя асосида ўтаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Янгиланишлар жараёни маънавиятимизга, жумладан, адабиёт ва санъатга бўлган давлат эътиборида, Президентимизнинг доимий раҳнамолиги ва ғамхўрлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йиллар давомида адабиёт ва санъат аҳлининг давлатимизнинг орден ва медаллари, Давлат мукофотлари билан мунтазам тақдирлаб келинаётгани, адибларимиздан беш нафарининг “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвонига муносиб кўрилгани бу эътиборнинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” асарларида таъкидланганидек, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда, жамият ва кишиларнинг кундалик маънавий ҳаётида бадиий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти ғоят беқиёсдир.

Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги 2010 йил 26 февралдаги қарори адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган юксак эътибор намунаси бўлди. Эндиликда адабиётимизни янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳалар Фонд маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Уюшма аъзолари учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатилади. Адабиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган кекса авлод вакилларига моддий ёрдам бериб турилади. Иқтидорли ёш адибларнинг биринчи китоблари Фонд ҳисобидан чоп этилади. Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда интернетда кенг тарғиб этилишини молиялаштиради. Булар қарорда кўзда тутилган эътибор ва ғамхўрликнинг бир қисми, холос.

Мазкур тарихий ҳужжатнинг амалий самараси сифатида ёзувчиларнинг “Дўрмон” ижодий уйи ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникаси замон талаблари асосида обод қилиниб тўла таъмирдан чиқарилди, ижод қилиш ва дам олиш учун қулай ва мос жиҳозлар, энг замонавий тиббий ускуналар ўрнатилди.

Рақам ва далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, қисқа вақт ичида “Дўрмон” ижод уйи асосий биноси ва боғини, Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасини тўла таъмирдан чиқариш, энг замонавий жиҳозлар, маиший буюмлар билан таъминлаш, “Дўрмон” ижод уйининг икки босқичли капитал реконструкцияси лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган эди. Шу кунга қадар 58 ўринга мўлжалланган уч қаватли меҳмонхонада 1 миллиард 40 миллион сўмлик тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди. Бой китоб фондига эга кутубхона, дам олиш, шахмат-шашка хоналари, замонавий ошхона, бассейн барпо этилди. Ижод уйи боғининг уч ярим гектарлик ҳудуди кўкаламзорлаштирилди. Шунингдек, уюшма поликлиникасини капитал таъмирлаш, тиббий ва маиший жиҳозлар билан таъминлаш учун 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланди. Шундай қилиб, “Дўрмон” Ижод уйи ва поликлиника учун жами 2 миллиард 332 миллион сўм маблағ ишлатилди. Бир сўз билан айтганда, баракали ижод қилиш, дам олиш ва даволаниш учун барча шарт-шароит муҳайё.

Капитал таъмирлашнинг иккинчи босқичида Ижод уйи таркибидаги эски коттежлар қайта таъмирдан чиқарилади.

Давоми иккинчи саҳифада



Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

## ЯНГИ ДАВР ОДАМЛАРИ

* * *

**Шаҳарлар кўп, вале тенгсиз шаҳар Фарғона, Фарғона,**
**Самодай кенг ва ё денгиз қадар Фарғона, Фарғона!**

**Сўзига она сўзи эш вилоят йўқ бу оламда,**
**Яна не-не улуғларга падар Фарғона, Фарғона!**

**Шу ном-ла номланар водий, Наманган шунда, Анжон ҳам**
**Бул икки гўшага марказ — гузар Фарғона, Фарғона!**

**Қучоғи Шоҳимардондай азизларга макон мангу,**
**Фақат топгай, фақат топгай самар Фарғона, Фарғона!**

**Асл қимматбаҳо гавҳар замин остида бўлгай, лек**
**Замин узра макон топган гуҳар Фарғона, Фарғона!**

**Зиё, айт, десалар бу сир-синоатга недир боис,**
**Дегум: Аллоҳ сенга солган назар Фарғона, Фарғона!**

Давоми иккинчи саҳифада

***Саратоннинг тафти қайтиб, юртимиз оқшомлари сарин еллардан салқин бўла бошлади. Бободеҳқон эрта баҳорда ерга уруғ қадаб, офтоб тиғида авайлаб ўстирган ниҳоллари мўл ҳосилини кўз-кўз этаётир. Саф тортган ғўзалар шохларини эгган бўлиқ кўсаклар деҳқон орзусига эш бўлиб, бу йилги кузимиз саховати янада мўл бўлишидан дарак бераётир. Бироқ ҳали унгача яна бир ой муддат бор. Ана шу муддат ичида деҳқон бобо бир лаҳза тиним олмайди. Негаки, август ҳосил тўплаш ойи, ҳосилга қут-барака қўшиш ойи.***

## АВГУСТ ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ

Деҳқон даласида фақат пахта ёки буғдойгина ўсмайди. Пахтазор этагидаги ёндош далаларда дастурхонга неъмат, бозорларимизга қут-барака киритадиган неча ўнлаб турдаги ноз-неъматлар ҳам ҳосилига ҳосил қўшаётир. Боғларимиз неъмати бўлган сархил узумлар, таърифи оламга кетган олмаю анор, ширин-шарбат қовун-тарвузлар ҳам деҳқоннинг меҳнати, машаққати, қалбидаги юрт меҳри билан бозорларимизни обод этиб, юртимиз файзига файз қўшаётир.

Даласини сийлаган деҳқонни ер ҳам сийлайди, эл ҳам!

Бир сўз билан айтганда, саратон бободеҳқон умидларини ҳам, фикрини ҳам пиширди, десак муболаға бўлмайди. Кетмон соясида мудраган ғайрат уйғонди. Диёримиз далаларида қуни-қўнжи ҳосилга тўлуғ август одимламоқда.

Август ойи ҳақиқатан ҳосилга ҳосил қўшадиган ой.

Август — нафақат дала меҳнаткашлари, балки ижод аҳли учун ҳам ҳаяжонларга бой илҳомбахш фасл. Шоирларимиз шеърларида, бастакорларимиз оҳангларида, ҳофизларимиз наволарида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” шиори остида юрт мадҳи, Ватан мадҳи янграйди.

Август ойи ҳақиқатан шодликка шодлик қўшадиган ой.

Август ойи энг улуғ, энг азиз байрамимиз нишонланадиган, ғуруримизга ғурур, қалбимизга сурур қўшадиган унутилмас фасл! Зотан, 31 август — мустақиллигимиз эълон қилинган тарихий сана!

Август ойи ҳақиқатан ойларнинг улуғи, йилнинг файзу баракаси.

## Боғ сайрига бормасман-о...

***“ЎзАС”, 2010 йил, 16 июл***

Ушбу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада маданият ва истироҳат боғларининг бугунги замонавий қиёфаси, шунингдек, айрим боғлардаги аттракционлар ишидаги нуқсонлар, чунончи, хизмат нархларидаги тафовутлар, айниқса, боғлар ҳудудида хордиқ чиқарувчиларга сотилаётган озиқ-овқат ва салқин ичимликлар баҳоси юқорилиги хусусида сўз юритилган эди. Жумладан, мақолада пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида аҳоли учун яратилган қулай шарт-шароитлар эътироф этилган ҳолда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар ҳам билдирилган. Шу муносабат билан мазкур маданият ва истироҳат боғи маъмуриятидан таҳририятимизга жавоб келди.

Хатга боғ жамоаси ва боғ ҳудудида фаолият юритувчи тадбиркорлар иштирокида мақолада кўтарилган масалалар юзасидан ўтказилган қўшма йиғилиш баёни ҳам илова қилинган. Унда айтилишича, боғдаги аттракционлар нархи болалар учун 500, катталар учун минг сўм қилиб белгиланган бўлсада, боғ маъмурияти томонидан икки юз сўмга арзонлатилган. Аттракционлар фақат шанба ва якшанба кунлари тўлиқ қувват билан ишлаши туфайли уларнинг нархини камайтиришга тадбиркорлар рози бўлмаётгани ҳам таъкидланган. Шунингдек, боғ ҳудудидаги умумий овқатланиш ва савдо шохобчаларида сотилаётган салқин ичимлик ва музқаймоқ нархи юқорилиги хусусида билдирилган фикрларда ҳам жон борлиги эътироф этилган.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Б.Султонов мазкур йиғилишдаги сўзида боққа ташриф буюрувчилар асосан болалар ва ўсмир ёшлардан иборат эканини унутмаган ҳолда, боғ тўла хўжалик ҳисобида фаолият юритса ҳам, давлат тасарруфида эканини эътиборга олиб, хизмат нархларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини такидлайди.

Йиғилиш якунида Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази директори ўринбосари Ў.Тоҳиров мақола муҳокамаси боғ фаолиятини янада яхшилашга доир амалий ва танқидий мулоҳазалар руҳида ўтганини таъкидлаб, бу борада зарур таклифларини ўртага ташлайди.

Йиғилиш қарорига кўра, мақолада кўтарилган масаланинг моҳиятига тўғри ёндашилиб, маълумот учун қабул қилинган. Боғ раҳбари Б.Султоновга боғ ҳудудида фирма ва тадбиркорлар томонидан хизмат кўрсатувчи аттракционлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари раҳбарлари билан биргаликда амалдаги айрим нархларни бироз пасайтириш чораларини кўриш топширилган. Боғда фаолият юритувчи тадбиркорлардан йирик аттракционларнинг хизмат нархлари бўйича калькуляция талаб этиш ва уларни ўрганиб таҳлил этиш, салқин ичимлик ва музқаймоқлар нархини 10-15 фоизга камайтиришга доир таклифлар билан савдо шохобчалари раҳбарларини таништириш, “Invest-Rest Servis” МЧЖ ва бошқа фирма раҳбарлари, тадбиркорлар аҳоли эътирозини ҳисобга олиб, аттракционларнинг хизмат баҳосини имкон даражасида камайтириш чораларини кўриб чиқиши зарурлиги таъкидланди.

**Таҳририят мақолада кўтарилган муаммоларни холис ва атрофлича ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаган Ғафур Ғулом номидаги боғ маъмуриятига миннатдорлик билдиради.**

**Умид қиламизки, пойтахтимиз ва вилоятларда фаолият олиб бораётган бошқа маданият ва истироҳат боғлари ҳам бу масалага бефарқ қарамайдилар.**

Акс садо

## ЕЧИМИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА, АММО...

**“Шовқин темирни ҳам синдиради”. “ЎзАС”, 2010 йил, 10 июл**

Муаллиф А.Абдуллаев мақола муқаддимасида “Эҳтимол, бу масала айрим кишиларга жуда оддий ва жўн бўлиб туюлар”, деган гапни айтибди. Муаллифнинг андишасида жон бор. Масалан, менга шундай туюлди. Бунинг учун мўътабар бир газетада чиқиш қилиш, шовқиннинг инсон соғлиғига зарарини атрофлича таҳлил қилиш ва мақолани “Муҳокама учун мавзу” рукнида беришга ҳожат йўқ эди. Агар... Ҳа, агар тўй ёки тўйхона соҳиби ёки маҳалла оқсоқоли, ҳатто оддий тўйхўр — давра иштирокчиси тантана аввалида микрофонни қўлга олиб: “Муҳтарам меҳмонлар, келинглар бир нарсани келишиб олайлик, шу овоз кучайтиргич мосламалар овоз тембрини озроқ камайтирайлик”, дея бир оғиз лутф қилганида олам гулистон эди... Шубҳасиз, бу таклиф давра иштирокчилари томонидан қарсаклар билан қарши олинар ва бу қарсаклар қаршисида “шовқинпараст санъаткорлар” ноилож қолишарди.

Йўқ, афсуски, бундай таклиф билан ўртага чиқувчи журъатли киши топилиши амри маҳол. Нега биз бундаймиз? Шовқин-сурон 115-120 децибиллдан ошиб кетадиган тўйхонада ўтириб, дам олиш, яйраш ўрнига ҳаловатимизни йўқотсак. Асабларимиз қақшаб, юрак урушимиз мароми издан чиқса-да, индамасдан еб-ичиб (нима еб-ичганимизни ҳам билмай), кейин гангиган, гарангсиган ҳолда чиқиб кетсак...

Муаллиф шовқин даражасини аниқлаб рақамлар келтирибди. Шундоғам ҳар биримиз бу салбий ҳолат зарарини ўз вужудимизда ҳис этамиз-ку. Шунчалик соғлиғимиз, оромимиз аҳамиятсизмидики, бунга қарши чора кўрмасак?!

Мақолада яхши изоҳланибди: шовқин-сурондан фақат овози ночор “ҳофиз”ларгина манфаатдор экан. Нега ахир уч-тўрт, ана боринг "бирровчилар" билан қўшиб, ўн-ўн беш "қўшиқчи" манфаати учун бутун бошли уч юз-тўрт юз, каттароқ йиғинларда минглаб давра аҳли бадал тўлаши керак экан?!

Биз, бугун эркини қўлга киритган, издан чиққан қадриятларини қайта тиклаётган улкан бир мамлакат фуқароларимиз. Олдимизда жуда катта мақсад, улуғ вазифалар тургани ҳолда, оддий бир масала — овоз кучайтиргичлар мурватини хиёл бураб қўйиш билан ҳал бўладиган муаммо олдида шунчалик депсиниб ўтиришимиз шаънимизга ярашиқли иш эмас-ку!

Сезиб турибман, бу гапларим кимдадир истеҳзо уйғотди: Эй, биродар, бу сиз айтганчалик осон эмас, деди. Яна кимдир шарттакиликка, олифталикка ёки бўлмаса асабийликка йўйди. Ҳамма муаммо шундаки, кўпчилигимиз шундай ўйлаймиз.

Аввало, киши ўзини ҳурмат қилса, бундай ҳолатга бефарқ бўлолмайди. Қай бир кўринишда бўлмасин норозилик билдиради. Тўйхонадан ими-жимида чиқиб кетиш энг осон йўл. Келинг, бундай қилманг, биродар. Бугун бўлмаса, эртага сиз албатта бир тўйда иштирок этасиз, таклиф қилингансиз. Хўш, қандай йўл тутмоқчисиз? Икки-уч соат тишни тишга қўйиб чидайсизми ёки бўлмаса... яхшиси журъат этинг: микрофонни ўртакашдан олинг-да, келин-куёвни табрикланг. Қудаларни ҳам... Санъаткорлар истеъдоди ҳақида лутф этиш ҳам ёддан чиқмасин. Бу айниқса зарур: мақтов кимга ёқмайди!.. Ва шундан кейин секингина ўз таклифингизни айтинг. Ишонаверинг, бу менинг ҳам тажрибамдан ўтган, бутун давра сизни қувватлаб шунчалик қарсак чаладики, қўяверасиз. Қолгани эса осон кечади. Кейин эса сиз ҳам, даврадошларингиз ҳам эмин-эркин, яйраб ўтирасизлар. Хуллас, тўй-тўйдай ўтади...

Омад тилайман сизга!

**Маҳмуджон АБДУРАИМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Абдували ҚУТБИДДИН



# САМАРҚАНД

Новвойхона томидан баландроқда
Булут қўнишди,
Каттакон нон бўлди Дарғом тепасида.
Афросиёб харобалари ёнида
Алп булутни ушлади,
Бурдалаб улоқтирди Зарафшонга...
"Самарқанд сайқалдир рўйи заминга..."

Қандаҳорда Нью-Жерсилик аскар
Ойга ўқ узди, одамга эмас,
"Улуғбек шаҳрида одамлар унни
кўпчитиб нон қасрларини қурадилар"
Пичирлади шўрлик.
Шунда ой ботган тоғдан
гумбурлади англанмас ғазаб,
Нимталанган танадан руҳ силқиди ёп-ёруғ:
"Самарқанд, тинчлик бер, рўйи заминга..."

У ерда Чўпонотанинг бағрида
Варрак учирарди болакайлар,
Аллақандай бобо ва момо
варракка қўшилиб,
Қанот қоқишарди қироат билан.
(Амир Темурмикин, Бибихониммикин...)
Бир ойга келган италиёнлик муҳандис
Уч йил бўлди кетмас,
Менга турмушга чиқ,
Шаҳринг қадрига етдим, дейди Моҳинурга,
Самарқандлик бўлиш учун
уч йил етмас, дейди Моҳинур...
Уч минг йил етмас, дейди Моҳинур,
Боғи шамолдан оқ фотиҳа ол,
Хўжа Зулмуроддан мурод сўра ва сев,
"Самарқанд муҳаббатдир рўйи заминга..."

Сиёб бозорида зармитанлик эна
Қатиғини кўпчитиб, қуртини доналаб,
Дам солиб сотади етмиш йилдан бери:
Олсанг-ла, тилладай бўлар ниятларинг...
Алалхусус, Самарқанд тилла
ниятлар сочар рўйи заминга...
Ҳар икки йил ораси Моцарт
Зиёрат қилар экан Регистонни,
Энг қадимий найни чалиб, август панасида.
Машшоқлар, созандалар, қўшиқчилар
Булбул чаманига ошиқар самимий.
"Самарқанд тарона рўйи заминга..."

У оҳанрабо, мудом чорлайверади ўзига,
Қутбу қудрат берар чин дилдан талпинса,
Сукут берар, субут берар, осойиш, ором,
Жаннат эшигини очар, улуғлар шоҳид:
"Самарқанд нажотдир она заминга..."

"Тошкент" кўчасининг ўнг ёнбошида,
Мактаб бор эски,
Ичида тарихий кўргазма,
Унда сурат бор эътиборга молик.
Жиддий, кўзи дард тўла бола,
Қўлида ўзи ясаган мўъжаз ҳаво кемаси,
Шаҳдланиб турибди кўкка учиргани,
Зеҳн бериб қаралса,
"Ўзбекистон" деган ёзув чалғинади ёришиб,
У халқнинг қўлидан ушлаган бугун,
Ватанга бахш этиб борлиғин мағрур
Учоғини кўкка учирган юксак.
Авайлаб-асраб ҳар биримизни,
Эъзозлаб, қадрлаб ҳар биримизни,
Оламга танитган, орзуга танитган.
"Самарқанд Истиқлол кўҳна заминга..."

Элликлаб қолдим,
Кўнглим ўн бешдай,
Хат ёзгим келар синфдош қизга
"Мен сени... севаман... мен сени..."
Дарғомнинг бўйида чўлғоттим келар,
Майсалар сочини, севгилим аксини...
Кулимсиб, кулимсиб — шодлигим пўртана,
Арғумоқ жиловин тортиб, шопиллаб,
Қамчинни бир уриб, Зарафшон узра
Сепкили тошган кундузнинг бағрига
Ўтиб кетолсайдим овозим гупиллаб.
"Самарқанд!
Сен битта
Рўйи заминда..."



Рашидхон ШУКУРОВ

# ЗАМОНЛАР САБОҒИ ИЧРА СЎЗ ЯШАР



Минг шукр, ҳаётда кўрмадим хорлик,
Боболарим этган бу юртни тортиқ.
Мамнун яшаяпман бахтга ёр бўлиб,
Ҳеч нени севмадим Ватандин ортиқ.

* * *

Юрагида Ватан, улуснинг дарди,
Кипригига қўнса йўлларнинг гарди.
Шу ҳикмат жо бўлса, имтиҳон айлаб,
Майдонда синалар йигитнинг марди.

* * *

Жон қадар суймоққа Ватанинг бўлсин,
Меҳрини туймоққа Ватанинг бўлсин.
Ҳориганда азиз остонасига
Бошингни қўймоққа Ватанинг бўлсин.

* * *

Бахт ўзи чорлар деб, бўлма хом хаёл,
Хулқингта боғлиқдур қисмат ва иқбол.

"Не эксанг ўрасан", ҳақ нақл бор-ку:
Муздан совуқ томчи, яхши сўздан бол.

* * *

Дунёда бойлик йўқ ақлдан қиммат,
Донога қулоқ бер, кўрсатиб ҳиммат.
Замонлар сабоғи сўз ичра яшар,
Бир ҳовуч олтиндан аъло бир ҳикмат!

* * *

Ошиён тутмасин қароғингда нам,
Оташ юрагингда зиё бўлсин жам.
Илму маърифатни машъала қилиб,
Балодан қочмишдур авлиёлар ҳам.

* * *

Дема, ёвга гулоб ичирилмайди,
Дема, ҳар гуноҳни кечирилмайди.
Дунёга бағрингни очиб яшагин,
Олов олов билан ўчирилмайди.

* * *

Сахий қадам қўйса бўстон бўлур чўл,
Олам сиғар магар пок бўлса кўнгил.
Бир йилда ўн бора уруғ сочса ҳам,
Бахилнинг ерида кўкармайди гул.

* * *

Яхшиларда бўлур дунёнинг кўзи,
Толе осмонида чақнар юлдузи.
Барчага баробар нур сочганидан,
Оқ кўнгил одамнинг гўзалдур юзи.

* * *

Инсоннинг сув ичиб тўйиши аён,
Балиқ-чи, қонмайди сувга ҳеч қачон.
Оби ҳаёт эмиш севги тимсоли,
Балиқ эса худди ошиқ мисоли.

Наима АБДУРАҲМОНОВА

# Қуёшга бешик бўлган эл...

## ИФТИХОР

Бу юрт шундай бир юрт-ки,
Гўё сулувлардек ҳушинг олади.
Кундуз қуёшининг суқи кирганда,
Тунлар оймомоси кинна солади.

Бу юрт шундай бир юрт-ки,
Сарҳади йўқ имконларини.
Табиати шифодир билсанг,
Заҳри малҳам илонларини.

Бу юрт шундай бир юрт-ки,
Осмонлари кулиб туради.
Хасларидан, майсаларидан
Мусичаси Ватан қуради.

Бу юрт шундай бир юрт-ки,
Булбул оят ўқир пешайвонида.
Ҳур қизларнинг жаннат иси бор,
Ҳизр қўли теккан гул, райҳонида.

Бу юрт шундай бир юрт-ки,
Ялпиздан пойингга гилам солади.
Ҳуркак оҳуларга бериб юрагин,
Бахшилар дўмбира чалади.

## ЭЛИМ

Елкаси осмонга устун бўлган эл,
Шоир қилар ялпиз-райҳонларини.
Юраги тоғ каби бутун бўлган эл,
Эркалаб ухлатар жайронларини.

Осмони қуёшга бешик бўлган эл,
Юлдузлар гуллайди чинорларида.
Қутлуғ қадамларга эшик бўлган эл,
Ғурурлар улғаяр чин орларида.

Ойдан тушган эмас, ойга чиққан эл,
Тўмарис орзуси, Бобурнинг туши.
Ҳаққа тиловотлар айтади шояд,
Асқар тоғларида Самандар қуши.



* * *

Дунё нима, ўзимга сиғмаяпман,
Гуллаб кетдим товонимгача.
Юрагимга сингиб бормоқда қуёш,
Ёниб кетаётир забонимгача.

Дунё нима, ўзимга сиғмаяпман,
Дарёдай мавжландим, дарёдай оқдим.
Сукунатни этиб занжирбанд,
Тоғларнинг бошига булутни қоқдим.

Дунё нима, ўзимга сиғмаяпман,
Кўзларимда қариди замин.
Юрагимда ҳайқираётир,
Кўзларимнинг қаърида замин.

Дунё нима, ўзимга сиғмаяпман,
Вужудимдан овозим оғир.
Куйладим момақалдироқдай,
Настариндай гулладим, ахир!



Катта-кичик арчалар орасидан қорли чўққилар кўзга ташланади. Тик келган қуёш оппоқ қорларни кумушдай яркиратади. Ойнадек силлиқ музлар ёриғидан оқаётган зилол сув шилдирайди. Адир бағридаги қизил, кўк ва яшил тунука томли уйлар мўриларидан чиқаётган тутун кўкка ўрлайди. Тоғда ўқ товуши эшитилиб, акс-садо беради. Какликлар потирлаб чарх уради. Олди ойнаванд уйда икки киши сабрсизлик билан девордаги катта соатга бот-бот қараб қўйишади. Улардан бири — Мирзо ошпаз. Олтмиш ёшлардаги, кўз остилари салқиб тушган бу киши, "цитрамон"ни оғзига соларкан, дераза ойнасидан тоғ томонга, қуюқ арчазорларга тез-тез кўз ташлайди. Уйдаги иккинчи кимса унинг жияни — ошхонада куймаланиб юрган Алимардон милтиллаб қайнаётган икки қозонга хавотирланиб қараб-қараб қўяди. У шунча йил ошпаз тоғаси билан бирга юриб, биринчи марта нозик одамларга овқат пиширяпти, шарманда бўлмаслиги учун бор ҳунарини ишга солиши керак. Тошкентнинг манаман деган тадбиркорлари билан бугун шу ерга, қорли тоғлар бағрига келишди.

Тўй-пўй, маърака-паракалари бўлса "Мирзо ошпазни топинглар!" деб тоғасини йўқлаб қолишади. Кеча ошпазнинг иситмаси чиқиб турган эди.

— Жиян, белни маҳкам боғланг, тоққа кетадиган бўлиб қолдик! — деди.

— Иситмангиз бор-ку! — деган эди, тоғанинг қовоғи уюлди. Гапи ёқмаганини билгач: — Бўпти, тоға, сиз нима десангиз шу! — деди қўлини кўксига қўйиб.

— Қора қозонимиз нозик касбимиз орқасидан қайнаб турган экан, бунақа хизматлардан бўйин товлаб бўлмайди, жиян! — деди пешонасидан оқаётган мошдек-мошдек терларни сидираркан...

...Алимардон оппоқ диванда анордай қизариб ўтирган тоғасига тикилди:

— Лимон чой қилиб берайми, тоғажон?

Мирзо ошпаз сочиқ билан бўғриққан юзини артди:

— Майли, жиян. Овқат тайёр бўлиб қолдими? Ярим соатдан сўнг келишади-я улар. Ишқилиб, ўзи шарманда қилмасин!

— Кўнглингизни хотиржам қилинг, тоғажон, сизнинг қўлингиз деб уринаяпман, ёмон чиқмайди.

Мирзо ошпаз енгил нафас олди:

— Зинҳор-базинҳор менинг бетоблигимни билишмасин, хўпми?

— Ҳаммасини эплайман, тоғажон!

— Сизга ишонаман, жиян!

Алимардоннинг юраги бир ҳапқириб олди. Беш йилдан буён тоғасининг ёнида юриб, биринчи марта бу гапни эшитмоқда. Биринчи марта сенга эмас, "сизга ишонаман" деди. Сизга ишонаман, деди-я!

Бундан беш йил олдинги, қиш кунидаги воқеа эсига тушиб, ўйланиб қолди. Ўшанда ишлари юришмай, икки оёғи бир этикка тиқилди. Такси ҳайдаб кўрди, бўлмади: машинани уриб олиб, топгани таъмирлашга кетди. Сартарошга шогирд тушди, бу ҳам осон ҳунар эмас экан, қайчи ушлашнинг ҳадисини ололмай, усталардан дакки эшитавериб, кўнгли хуфтон бўлди. Кейин "бор-э!" деди-да, "Отчопар"да олти ой атак-чечак қилиб кўрди. Қиш совуғида шамоллаб, бир ой касалхонада ётди. Соғайиб чиққач, хотини бир бобилладики... Қайнонаси-чи? Нақ эгов бўлди. Шундай пайт отаси уни Мирзо ошпазникига бошлаб келди-да; "Буни одам қиламан, деб куйдим! Бирор ишни эплолмаяпти. Олдингизга катта бошимни кичик қилиб келдим. Илтимос, ёнингизга олинг, ошпаз-пошпаз бўлса ёмонмас! Осон иш, ўрганиб кетар!" деди минг бир ҳасрат билан. Ер ёрилмади ерга кириб кетса. Тоғаси: "Осон касб?..Ҳм!" дея мийиғида кулди. Ўшанда бу гапнинг маънисига тушунмай, тоғам ҳам устимдан кулдилар, деб хафа бўлган эди. Аслида тескариси экан...

— Майли, ёнимга оламан, фақат чидаса бўлди, — деди тоғаси унга бошдан-оёқ кўз югуртириб. Кейин "Эртага

Тўлқин ҲАЙИТ




Ҳикоя

соат тўртда дарвозам олдида бўл!" деб тайинлади. Алимардон ҳали бирор марта эрталаб соат тўртда уйқудан турмаган, бирор марта наҳорги ошга боргани йўқ эди. Саҳармардонлаб ишга кетиш... Яна ҳар куни! Оббо, бунақада бир ойга ҳам чидамайди-ю! Отаси қаёққа олиб келди уни?! Атайин бир қийналсин, азобини тортсин, демоқдами?!

Эртаси келишилган вақтда тоғасиникига борди. Тоға қатъий киши экан: роппа-роса соат тўртда енгил машинасини миниб кўчага чиқди ва уни тўғри Лабзакдаги ҳаммомга олиб борди. Эрталаб ҳаммом одамга тўла, олдинроқ келганлар бурчак-бурчакда ўтиришиб, бир пиёла чой устида гурунглашмоқда эди. У тоғам ювиниб чиққунларича даҳлизда ўтириб тураман, деб ўйлаганди. Қаёқда! "Қани, мулло, бўлинг!", деди тоғаси унинг серрайиб турганини кўриб. Ноилож ечиниш хонаси томон ўтди. Ювиниб-тараниб бўлишгач, Оқтепалик Сулаймон эшонникига бирровга киришди.

— Эшон бува, йигитчани дуо қилинг, бизга шогирд тушди, — деди тоғаси. Эшон бува узоқ дуо қилди. Алимардон битта сўзни яхши эслаб қолди. "Арининг ҳунари, болам, сенга ибрат бўлсин!" Бу нима дегани эди? У тушунмади. Ҳали тушунолмасди ҳам.

Мирзо ошпаз анчайин нозиктаъб, покиза одам. Ҳар бир ишни ниҳоятда жиддий ҳолатда, эринмасдан, зорланмасдан бажаради. Алимардонни бир қадам ҳам ёнидан силжитмайди. "Буни бундай бажарадилар, уни бундай!" деб ошпазликдан илк сабоқлар бера бошлади. Кашничнинг баргини битталаб ювади, денг, хамирни тарозида тортаётганда, грами грамига тўғри келмагунча тинчимайди ёки мева-чева тўғрамоқчи бўлса, қўлини қайта ювиб келади. Уф-ф-ф! Биров кўриб ўтирибдими, билиб ўтирибдими?! Кашнични бирваракайига сувга чайиб олса, нима бўпти?! Битталаб баргини тозалаш шартми?! "Яратганнинг бандаларига тоза хизмат қилиш керак, жиян!" деган гапни ботбот такрорлаганларини айтмайсизми яна! Уф-ф, одам ҳам шунча содда бўладими?!

Тоғасини ҳар куни турли жойларга олиб кетишарди. Бир куни уни ҳам ўзига шерик қилди. Бешик тўйи экан. Тушликда икки соат роса тер тўкишди. Ош, шўрва пиширилиб, беш-олти хил яхна егулик, шакароб тайёрланди. Қайтаётган чоғларида тўй эгаси тоғасига бир чопон, бир кўйлак, яна аллақанча пул берди. "Икки соатда тоғам шунча пул ишладилар!" деб ўйлади у, юрагининг бир четида нимадир ўрмалади.

Мирзо ошпаз йўлда, Алимардоннинг уйи яқинида машинани тўхтатиб, пулни тенг бўлиб, чопонни ҳам жиянга тортиқ этди. Турган гапки, жиян ҳасад қилганидан бироз уялди. Аввал ўзини, сўнг юрагининг тубида ўрмалаган "чаён"ини бўралаб сўкди ҳам. Лекин шундан сўнг хаёлида пул ва чопон айланадиган бўлиб қолдики, энди ичини чаён эмас, ит тирнай бошлади.

Имони суст одамнинг кўнглида шайтон бўлади, лекин унинг фаросати етмагунча буни на тан олади, на ҳис этади. Алимардон ҳам ўша дамларда шу алфозда эди. Бир куни у кўкатларни битталаб ювишга эринди ва "тоғам билиб ўтирибдими" дея овқатга тўғраб юборди. Устозни алдайман деган шогирд доимо чув тушади. Нимаям бўлиб, тоға ошхонага кириб қолса бўладими ўшанда. "Қани, жиян, овқатингнинг тузини кўрай" деб қошиқни ботирганда, қоп-қора чивин манаман деб чиқса бўладими! Ана, урди худо! Тоғанинг дўнг пешонаси тиришиб, кўзлари олайиб: "Тавба, тавба! Ё худо, гуноҳимни кечир!" дея юз бора тавалло қилди-ёв! Жиян эса: "Шунга шунчами?!" деб бир чеккада шафтоли қоқидай тиришиб турди. Тоға бўлса, бошини ушлади. "Мен нима гуноҳ қилдим, нима гуноҳ қилдим" деб тиззаларига урди, кўзлари ёшланиб, юзи қозон куядай қорайди.

Битта чивинга шунчами, деб Алимардон ҳайрон. Ресторанда овқатдан пашша чиқса, шунчалик куйинишмайди. Тоғаси бўлса, битта чивинни деб беш йил умрини қисқартиряпти. Шу ҳам иш бўлди-ю!

Мирзо ошпаз "Ҳай, аттанг!" дегандек бошини сарак-сарак қилди ва жиянининг елкасига қоқиб:

— Ошпазлик осон касб эмас! — деди маъюс оҳангда.

Жиян ялт этиб қаради, қаради-ю, қиш совуғини ҳис этиб, эти жунжикди. Кўз олдида отаси гавдаланаркан, уялганча ерга боқди, сўнг катта гуноҳ қилган кимсадек қимтиниб, тортиниб: "Кечиринг мени, тоға, кечиринг!" деди.

Индини тоға уни қўшни қишлоққа, Мардон ошпазнинг уйига иш ўрганишга ташлаб қайтди. Ошпазнинг яшаши бинойидек, иккита енгил машинаси, ҳатто икки оти ҳам бор. Болалари эса бир-биридан ақлли, одобли. Жиян "Қанийди мен ҳам шундай бахтли инсон бўлсайдим" деб унга ҳавас қилди ва "Тоғам мени ундан ўрнак олсин, деб юборганлар шекилли" деган ўйга борди.

Кунларнинг бирида Мардон ошпаз унга атаб дастурхон тузади, қўлинг ўргилсин паловхонтўрани еб, қорин тўйдириб, устидан аччиқ чойни босиб-босиб ичишгач, "Арилар ҳаёти" деган филмни томоша қилишди.

Арилар!

Арилар — бир дунё сир, бир дунё жумбоқ.

Кенг дала. Баҳор. Гуллаган дарахтлар ёнида асалари қутилари терилган. Ғуж-ғуж ари. Бири кириб, бири чиқмоқда. Бол йиғиш пайти.

Уяси олдида иккита қоровул. Ичкари кирмоқчи бўлган ариларни бирбир ҳидлаб кўрмоқда. Уя олдига келган катта арини биринчи қоровул ҳидлаб кўриб, иккинчисига: "Сен ҳам ҳидлаб кўр!" дегандек имо қилди. Иккинчи қоровул катта арини ҳидлаб кўргач, қанотларини ёзиб ғўнғиллади. Гўё тоза эмас, дегандек. Биринчи қоровул шу заҳоти катта арининг бошини шарт узиб ташлади.

Пахта гулли пиёлани дастурхонга қўйган Мардон ошпаз: "Яхшиямки, ари эмассан, жиян! " — деди кинoя билан.

Алимардон мушт еган кишидек бошини ушлади, кўз олдида ўша чивин жонланди. "Тоғам бу кишига айтган эканлар-да" деб ўйладию ичидан зил кетди.

Алимардон жойида ўнғайсизланди. Ошпазларнинг қалбини билмас экан у. Ношуд, ношуд!

Шу воқеанинг эртаси Мирзо ошпаз машинаси билан келиб уни олиб кетди.

Қурбон ҳайити кунлари қўша-қўша қозон қайнатишиб, бош қашишга вақтлари бўлмади. Ҳайит эртаси эса тўрт жойга хизматга бордилар. Бир ерда Мирзо ошпазнинг қайсарлиги тутди. Уй эгаси жуда димоғдор, олифта бир киши экан. Оғзидан арoқ ҳиди гупиллаб уриб турарди. Тоға: "Бошқа ошпаз чақиринг!" деб ашқол-дашқолларини йиғиштирса бўладими!

Уй эгаси: "Ҳов, нимага бурнингни кўтараяпсан! — деди қўлини пахса қилиб. — Бўлсанг, Мирзо ошпаз бўлибсан-да!"

Тоғаси қўлини кўксига қўйди: "Кечиринг, ука! Мен сизга хизмат қилолмайман!"

"Бор, бор! — деб жеркиб ташлади уй эгаси. — Кўзингни ёғ босиб қолибди, кўрамиз ҳали!"

Жиян қизарди, бўзарди, бироз хижолат чекди ҳам, ҳатто тоғани ноҳақ, деб билди. Аммо орадан уч кун ўтиб, гап чиқди. Ўша кимса қўли эгри киши экан. Тоға буни билгач, унинг ошини пиширишни истамаган...

Алимардон ҳарф таниб, кўзи очилган ўқувчидек оламга ўзгача назар билан қарай бошлади. Чивин ва ари воқеаси унинг хаёлини банд этиб, фикрларини пардек тўзғитиб, тамом бошқа оламга етаклаган эди.

Тоға олтмиш ёшга кирди. Тўрт ўғли уйларини таъмирдан чиқариб, элга ош берди. Шаҳарнинг обрўли кишилари, таниқли хонандалар меҳмонга келишди. Таниш-билишлар, қадрдонлар табрик сўзлари айтишди. Совға-саломларни айтмайсизми? Таърифласанг, бир достон бўлади. Билган билди, билмаган: "Қайсидир каттакон ош беряпти!" деб ўйлади.

Алимардон ич-ичидан тоғасига ҳавас билан боқди. "Қачон мен ҳам шу даражага етаман", деб ўксинди ҳам.

Тоға эса...қўллари кўксида, кўзларида севинч ёшлари, ҳар гапнинг бирида "Шунчалик бўлади, деб ўйламагандим, нари борса, беш-олти улфатим келса керак, деган хаёлда эдим", дер эди бошини қимирлатиб.

Ўшандан буён икки йил ўтди.

Мана энди, тоға Алимардонни ўзи билан бирга олиб келди. Унинг ишончини оқлаши керак. Ҳа, ҳа, оқлаши, чинакамига оқлаши керак. "Сизга ишонаман!" — Бу шунчаки ҳурмат учун айтилган сўз эмас.

Дераза ойнасида осилиб турган сумалакдан бири узилиб ерга тушди. Тарс этган товуш итнинг ўтакасини ёрди, шекилли, ғингшиб нари кетди. Бироздан сўнг майин овозда ҳурди ва остонада қадам товушлари, ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди.

— Қорин ҳам роса очқади! — деди кимдир ўктам овозда.

— Овқатнинг ёқимли ҳидини қаранг! — деди яна кимдир.

Алимардоннинг юраги дук-дук урди. Шу чоққача чап кўксида юраги борлигини билмаган экан. Ҳаяжонланяпти. Нега ҳаяжонланмасин, бугун биринчи синов! Тоғасига ёқса, қанчалик қувонарди-я!

Ҳаял ўтмай овқат сузилди: биринчига — шўрва, иккинчига — палов. У меҳмонхона деразасидан стол атрофида ўтирганларни томоша қилиб турди. Улар шўрвани бир зумда ичиб бўлишди, тўрда ўтирган гавдали киши "Ошпазни мақтаганларингча бор экан, худо раҳматли онам шунақа мазали шўрва тайёрлардилар!" деди. Бу гапни тоға ҳам эшитди ва жиянга қараб, "зўр" дегандек, бош бармоғини кўрсатди. Паловни чинни косаларда озроқ-озроқ сузган эдилар, яна сўрашди. Тоғанинг кайфияти кўтарилиб "Бунақасини биринчи кўришим!", деди ва жиянга қараб жилмайди: "Бошланиши ёмон эмас!". Алимардон шундай суюнди, шундай суюндики, қўяверасиз.

Ярим соатдан сўнг басавлат бир киши ташқарига чиқиб, тамаки тутатди ва бироздан сўнг тоғасини чақиртирди. Тоға иситмаси баланд бўлса-да, ўзини тетик тутиб, унинг олдига чиқди.

— Овқатни жуда яхши тайёрлабсиз, раҳмат сизга! — деди у.

Мирзо ошпаз қўлини кўксига қўйиб:

— Бунинг учун шогирдимга раҳмат денг, — деди фахр билан.

— Шогирдингиз?

— Ҳа, шогирдим. Овқатимиз сизларга ёққан бўлса миннатдорман.

Алимардон дераза ёнида турар ва мақтовлардан боши осмонга етгудек эди. У тўйиб-тўйиб, енгил нафас олди. Тоза ҳаво ичакларини гўёки мумиёдек юмшоқ силаб ўтди. Ҳузур қилди. Ҳали умрида бундай ором олмаган эди гўё.

Кимдир унинг тирсагидан тутди:

— Овқатингиз менга ҳам ёқди! Умримда бунақа роҳатланиб овқатланган эмасдим!

Алимардон узун бўйли, мовий халат кийган, оқ юзли кишига кулиб қаради:

— Ош бўлсин, ака!

— Яқинда уйимга меҳмон чақирмоқчиман. Ўзингиз хизмат қиласиз-да, ука!

Алимардоннинг юраги яна дукиллаб урди. Беихтиёр киприкларига ёш илашди. Беш йилдан буён кутгани шу эмасмиди? Беш йилдан буён орзу қилгани шу бир оғиз сўз эди-ку! Кечагина мени ҳам қачон одамлар тўйга, давраларга хизматга чақиришар экан, деган орзу билан ич-ичидан илтижо қилмаганмиди?!

Қуёш осмонда чарақлар, атроф бағоят сўлим, узоқлардан эшитилаётган какликларнинг овози айни дамда унга ёқимли куйдек хуш ёқмоқда эди. "Бугун жуда чиройли кун бўлди", дея суюнди у. Ичида эса "Одамга айланганинг муборак!" деган ғалати овоз янгради. Ғалати овоз. Одамнинг қалбида одам яшайдими?

Мирзо ошпаз ҳароратли қўллари билан уни иссиқ бағрига босди:

— Яша, жиян! Сендан хурсандман!

**Жаҳон адабиётида Ватанга муҳаббат, она табиатга, ота маконга меҳр-оқибат, ўзи мансуб бўлган миллатга эъзозу эҳтиром, миллий урф-одатлар, анъаналар, умуминсоний қадриятлар, аждодлар панд-насиҳатларига садоқат мавзулари юксак бадиий маҳорат билан тараннум этилган асарлар бисёр.**

**Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари, Кайковуснинг «Қобуснома»си, Эмант Зиедониснинг эпифаниялари, Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» китоби ана шундай асарлар сирасига киради. Қайси халқ адабиётига мансуб бўлмасин бундай асарларни китобхонлар севиб мутолаа этишади. Таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асарининг бир қисми Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов, кейинчалик унинг биринчи китоби шоир Асрор Мўмин таржимасида ўзбек китобхонларига маълум.**

**Мазкур асарнинг иккинчи китоби ҳам яқинда Асрор Мўмин томонидан она тилимизга ўгирилди. Ана шу янги таржимадан бир парча газетхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.**

Расул ҲАМЗАТОВ

# ҚЎШИҚ



«Бакъан». Бу аварча сўзнинг икки маъноси бор: куй-оҳанг; ҳол-аҳвол, одамнинг кайфияти, дунёдаги тинчлик, хотиржамлик. «Менга битта куй чалиб беринг» деган сўровда ҳам, «Аҳволингиз қалай?» деган мурожаатда ҳам «бакъан» сўзи ишлатилади. Хуллас, бизда куй ва кайфият битта сўзда ифодаланади.

Сўзларни, суҳбатларни элакдан ўтказ — қўшиқ қолади. Муҳаббатни, нафратни элакдан ўтказ — қўшиқ қолади. Воқеаларни, одамларнинг ишларини, умринг лаҳзаларини элакдан ўтказ — қўшиқ қолади.

...Ў, дўлалай, дўлалай! Ў, дўлалай, дўлалай! Тоғликларнинг қадим ва ғамгин қўшиғи, қачон, қаерда ва қандай яралгансан?! Нега бунча ажойибсан, нега бунча ҳайратга соласан?!

*Пандурдаги ёзув:*
**Ўйлайсанки, бу наволар тордан таралар,**
**Агар билсанг, ёқимли куй дилда яралар.**

*Бешикдаги ёзув:*
**Ҳар кишига болалик чоғи,**
**Онажони айтгандир алла.**
**Шундай чексиз она ардоғи,**
**Баҳраманддир ундан ҳар бола.**

*Йўл четидаги тошга ўйилган ёзув:*
**Йўл ва қўшиқ — ёшлик орзу-армони,**
**Ахир, йўл-қўшиқнинг йўқдир поёни.**

Қадимий қўшиқлар, янги қўшиқлар... Аллалар, ёр-ёрлар, жанговар қўшиқлар. Узун ва қисқа. Бутун дунёда куйлашар сизни. Олтин ипга мунчоқдай терилган сўзлар. Гўё жой-жойини топиб тошга михланган сўзлар. Гўзал қизнинг оҳу кўзларидан дув-дув тўкилган дурдай сўзлар. Мерган отган ўқдай нишонга аниқ теккан сўзлар. Сўзлар тоғдаги сўқмоқлар каби узоқ-узоқларга олиб кетади, улар қанотида дунёнинг нариги чеккасига ҳам бориш мумкин.

Тоғликлар шундай дейишади: «Агар чўпон най чалмаса, қўшиқ куйламаса қўйлар ўтламайди. Аммо ям-яшил яйловда наво таралганда қўйларгина эмас, энди туғилган қўзичоқлар ҳам майса чимдийди».

Бир меҳмон бошқасидан она тилида қўшиқ айтиб беришини сўради. У қўшиқ айтишни билмасди ё қўшиқ куйлай олмасди. Шу боис у халқимизда битта ҳам қўшиқ йўқ деб осонгина қутулмоқчи бўлди.

— Ундай бўлса ўзларинг бормисизлар ё йўқмисизлар? Қўшиғи йўқ халқ бўлиши мумкин эмас!

Ў, дўлалай, дўлалай! Ў, дўлалай, дўлалай! Қўшиқ — бу калит, қайсики у билан тилнинг бебаҳо хазинаси сақланаётган сандиғи очилади. Ў, дўлалай, дўлалай!

Соз ва ханжар. Жанг ва қўшиқ. Севги ва қаҳрамонлик. Бу халқимизнинг тарихи. Тоғликлар мана шу икки нарсага юксак эҳтиром кўрсатишади.

Тоғлик уйи деворига илинган гилам устида шу икки бебаҳо хазина доим осиқ туради. Улар меҳр билан, эҳтиром билан, жуда эҳтиёткорлик билан қўлга олинади. Агар эҳтиёж туғилмаса улар умуман қўлга олинмайди. Ханжарни қўлга олсанг, ёши улуғ киши сени эҳтиёткорликка чорлайди: «Эҳтиёт бўл, сознинг торини узиб қўйма». Созни қўлга олсанг, ёши улуғ киши яна эҳтиёткорликка чорлайди: «Эҳтиёт бўл, қўлингни кесиб оласан». Ханжарга сознинг, созга ханжарнинг расмини ўйиб чизишади. Қизларнинг кумуш камарида, зебигардонида ҳам соз ва ханжарнинг расмлари нақшланган бўлади. Йигитлар урушга кетаётган вақтда, албатта ханжар ва созни олади. Уйнинг соз ва ханжар йўқ девори худди саҳрога ўхшаб қолади.

— Урушга кетаётган одамга соз нимага керак?

— Сознинг торига тегишинг билан наво таралаб, ота маконингни, туғилган овулингни, онангни, уйингни эсга солади. Уларни ҳимоя қилиш учун ўлимни ҳам писанд қилмай жангга кирасан.

**Ў, дўлалай, дўлалай!..**

Тоғликлар қўшиғи қандай пайдо бўлганини билишни истайсизми?

**Қўшиқ — халқ орзуси бўлиб яралган,**
**Қачон куйланган у, билмас ҳеч инсон.**
**У уйғоқ қалбдан нур бўлиб таралган,**
**Ҳамон уйғоқ, қалбга солади туғён.**

**У бизга келгандир олис самодан,**
**Тоғдаги уйлардан, овул қўйнидан.**
**Биз баҳра олгунча сўз ва наводан,**
**У жой олган қанча авлод кўнглидан.**

Қўшиқ — тоғдаги жўшқин дарё. Қўшиқ — жанг майдонидан хабар олиб келаётган чавандоз. Қўшиқ — кутилмаганда меҳмонга келган дўстинг, қадрдонинг. Майли, сиз ҳам қўлингизга пандур, чонгур, чаган, най, сурнай, дойра, гармонь, барабан, ҳеч бўлмаса мис патнис ёки тоғора олиб чалинг. Қарсак чалиб, оёғингиз билан ерни тепиб дукиллатинг.

Севгилингиз уйининг деразасига отган тошингиз қандай жаранглаганини бир эслаб кўринг. Қўшиқларимизни тингланг, қўшилиб куйланг. Улар шодлик ва армон маҳсули. Улар мардлик ва ориятга, орзуга гувоҳ бўлган. Улар ёшларни ботир ва донишманд қилади, донишманд ва кексаларни эса ёшартиради. Чавандозни отдан тушириб тинглашга ундайди. Пиёдани эса отга сакраб миндириб, қушдай парвоз қилиши учун қанотлантиради. Шароб ичиб маст бўлиб қолганларни ҳушёр торттиради. Ҳушёрларни эса сархуш қилади. Қўшиқда шундай хусусиятлар бор.

Тоғликни олов гуриллаб турган ўчоқ ёнига таклиф қилиб, қўлига шох тўла вино тутқазинг ва куйлаб беришини сўранг. У қўшиқ бошлайди. Агар бирор қўшиқни айтиб беришини илтимос қилсангиз, у эрталабгача ҳам куйлайди. Фақат сўранг, айтайлик, севги ҳақида қўшиқ. У сизга севги ҳақида дилбар қўшиқ бошлайди:

**Ў, дўлалай, дўла-дўлалай,**
**Севги қизил лоладай, қондай.**
**Севги қора тундай, ёлғондай,**
**У келиннинг либосидай оқ,**
**Кафанликдай оппоқ ҳамда пок.**
**Кўкдай тоза, тиниқдир муздай,**
**Севги порлаб турган юлдуздай.**
**Қор эриса бўлади дарё,**
**Лекин севги сўнмайди асло.**

— Дунёда энг чиройли нарса нима?

— Тоғдаги бинафша.

— Тоғдаги бинафшадан нима гўзалроқ?

— Севги.

— Дунёда энг ёрқин нарса нима?

— Тонгда тоғ ортидан чиққан қуёш.

— Тонгда тоғ ортидан чиққан қуёшдан нима ёрқинроқ?

— Севги.

— Ў, дўлалай, дўлалай! Яна нима ҳақда куйлай?

— Севишганлар ҳақда, севгига жон фидо қилганлар ҳақда.

— Ромео ва Жульетта, Тоҳир ва Зуҳра, Тристан ва Изольда...

Доғистонда шундай ошиқ-маъшуқлар камми? Бизда ҳам бир-бирининг висолига етмаган қанча ошиқ-маъшуқлар бўлган. Уларнинг орзулари ушалмади, лаблари ёр лабига тегмади, қўллари ёр белидан қучмади. Қанча ёшларни навқирон ёшида уруш олиб кетди, қанчасини севги. Улар айрилиқ оловида куйиб кул бўлишди, ўзларини баланд қоядан ташлашди, саркаш дарёга сакрашди.

Яна бир бор халқимизнинг қадим ўйинини эсга олишим керак. Бу ўйин «бакіде разъин» деб номланади.

Кўтаринки кайфият бағишлайдиган бу ўйинда, иштирокчилар зеҳнини ишга солиб керакли сўзни тезроқ топишлари лозим. Бу ўйинни Доғистоннинг барча овулида билишади. Қишнинг узун кечаларида ёш йигит-қизлар бирор хонадонда тўпланишади. Улар ичкилик ичишмайди, буркситиб сигарета чекишмайди, қасир-қусурлатиб писта чақишмайди, ҳайқиришиб картабозлик қилишмайди, қийшанглашиб бир-бирига суйкалишмайди. Фақат шеъриятдан завқ олишади ва бу борадаги лаёқатларини синаб кўришади. Қандай ажойиб ўйин!



Таёқча танланади. Бу таёқча қизнинг қўлида. У таёқча билан йигитни туртиб қўшиқ бошлайди:

**Мана, энг чиройли таёқчани ол,**
**Сўнг ўзингга танла бир соҳибжамол.**

Йигит бир қизни танлайди. У ўртадаги стулга ўтиради. Иккиси ўртасида қўшиқ баҳси бошланади.

**О, гўзал, гўзал,**
**Бизга айт исминг.**
**О, гўзал, гўзал,**
**Бизга айт аслинг.**

Барча қарсак чалиб жўр бўлади: «Ў, дўлалай, дўлалай».

**Исмимни айтдим**
**Бошқа бировга.**
**Ишқимни айтдим**
**Бошқа бировга.**

Барча қарсак чалиб жўр бўлади: «Ў, дўлалай, дўлалай».

Қиз ўрнидан туриб, таёқча билан бошқа йигитни туртади. Энди у стулга ўтиради. Янги жуфтлик ўртасида шеърхонлик бошланади.

*Қиз:*
**Тоққа ёғди қалин қор,**
**Кўринмай қолди сўқмоқ.**
**Нима ейди оч-наҳор,**
**Кезиб юрган қўзичоқ?**

*Йигит:*
**Бир кун қор эриб кетар,**
**Сувга тўлар сой-ирмоқ.**
**Ташналигин қондирар,**
**Ўтга тўяр қўзичоқ.**

«Ў, дўлалай, дўлалай». Янги жуфтлик ўйинни давом эттиради.

*Қиз:*
**Қудуққа борма ногоҳ,**
**Каттакон аждар яшар.**
**Сув ичгани келган чоқ,**
**Қўзичоқни еб қўяр.**

*Йигит:*
**Қудуқда бўлса аждар,**
**Боражакман изингдан.**
**Танласанг бир бор назар,**
**Сув ичаман кўзингдан.**

«Ў, дўлалай, дўлалай». Ўртага янги жуфтлик чиқади.

*Йигит:*
**Тоғда бўрон чалар куй,**
**Айланар дарё музга.**
**Сенга атаб қурай уй,**
**Уйланай сендай қизга.**

*Қиз:*
**Сен ўзингга келинчак,**
**Изла бошқа овулдан.**
**Товуққа қуриб катак,**
**Умид қилма булбулдан.**

«Ў, дўлалай, дўлалай». Барча қарсак чалиб, жўравозликда куйлайди. Қишнинг

## Жаҳон адабиёти

узун кечаларида ўйин узоқ давом этади.

Доғистоннинг севги қўшиқлари! Йигит ўзи ёқтирган қизнинг қўлини сўрайди, бошқаси сурбетларча қизни ўғирлаб кетади.

Бир йигит қиз яшайдиган уйнинг эшигини одоб сақлаб тақиллатади, бошқаси истиҳола қилмасдан уйнинг деразасидан киради.

Асрлар ўтса ҳамки бу севги қўшиқлари яшаяпти. Бу қўшиқларни қўшиқчилар яратишган, аммо энди бу қўшиқлар қўшиқчиларни яратишяпти.

Қўшиқсиз тўй бўладими, қўшиқсиз кун ўтадими, қўшиқсиз одам яшай оладими?!

Бизда шундай гап бор: «Ким қўшиқ айтишни билмаса, уйда эмас оғилхонада яшагани маъқулроқ».

Яна айтишади: «Севги лаззатидан тотмаган девдай кишининг бўйи севган одамнинг камаригача етмайди».

Қўшиқ юракда яралади, юрак уни тилга беради, тил эса одамлар юрагига етказади, кейин одамларнинг юракларида асрлардан асрларга ўтади.

Бу қўшиқ ва оҳангларни бизга ким берган? Тоғликлар бу қўшиқларни қайдан олган? Бу қўшиқларни тоғликларга бургутлар ва отлар, қиличлар ва майса-гиёҳлар, тебранаётган беланчаклар, тўртта Койсу дарёси, денгиз тўлқинлари, Маҳмуднинг севгилиси Марямга ёзган ишқий нолалари, Доғистон тарихи ва тиллари, умуман, она юрт берган десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бир куни Абутолибдан сўрашди:

— Доғистонда қанча шоир бор?

— Уч-тўрт миллион чиқиб қолар.

— Нималар деяпсиз? Аҳолимизнинг ўзи бир миллион атрофида.

— Ҳар бир одамнинг қалбида уч-тўртта қўшиқчи бор. Фақат улар ҳар доим ҳам куйлайвермайди. Афсуски, буни ҳамма ҳам билавермайди.

— Унда айтинг, энг яхши қўшиқчи ким?

— Ҳар доим яхшидан ҳам яхши айтадиган қўшиқчи бўлади. Аммо мен улардан бирини айтишим мумкин.

— Кимни?

— Доғистонлик онани! Умуман олганда, тоғликларда учта қўшиқ бор.

— Улар қандай қўшиқлар?

— Биринчиси — тоғлик онанинг бешикдаги ўғлига айтаётган алласи?

— Иккинчиси-чи?

— Иккинчиси — тоғлик онанинг ҳалок бўлган ўғли бошида чекаётган аччиқ ноласи.

— Учинчиси-чи?

— Учинчиси — қолган барча қўшиқлар.

Азиз ва муқаддас Она!.. У гуллаётган ва сўлаётган, туғилаётган ва ўлаётган, келаётган ва кетаётган оламнинг энг синчков гувоҳи. Она чақалоқни суйиб қўлларига кўтаради, алла айтиб бешигини тебратади, қора кунда мангуликка кетаётган фарзандини бағрига босади.

Мана нафосат, мана ҳақиқат, мана шараф-ҳурмат. Одамлар яхши ва ёмон бўлади, қўшиқлар ҳам яхши ва ёмонга бўлинади. Ва лекин ҳамиша оналар гўзал, оналар айтган қўшиқлар гўзал!

Агар аллалар айтилмаганда, эҳимол, дунёда бошқа қўшиқлар яратилмасди. Умр мазмунсиз кечарди, ҳаётда шеър, ҳис-туйғулар камроқ бўларди, қаҳрамонлик камроқ кўрсатиларди.

Оналар — дунёнинг энг биринчи шоирлари! Улар ўғил-қизлари қалбига шеърият уруғларини сочишади, йиллар ўтиб бу уруғлар гул бўлиб очилади. Шу боис эркаклар энг оғир, энг ғамгин дамларда, энг қалтис лаҳзаларда онаси айтган аллаларни эсга олишади.

*Соғлигинг — бойлигинг...*

# УЙҚУ ВА САЛОМАТЛИК

**— Инсоният замонавий тамаддуннинг янги-янги босқичларига қадам қўйгани сари тўйиб ухламайдиган кишилар сони ошиб бормоқда. Бунга уйқуни беҳуда вақт ўтказиш, деб ҳисобловчилар кўпайгани ҳам сабаб бўлмоқда, — дейди академик Яков Левин. — Аслида бу нотўғри тушунча. Овқатланиш, муомала, ҳаттоки ичкилик ичиш маданияти ҳам бор экан, демакки, уйқу маданияти ҳам бўлиши зарур. Акс ҳолда саломатликка зиён етади.**

Уйқу маданияти ҳали у қадар шаклланмаган. Кўпчилик муайян вақтда ётиб, муайян вақтда уйғонишни, уйқудан олдин сайр қилиш, тунда сўкинмаслик, ётишдан олдин тўйиб овқатланмаслик ва кўп ичиб қўймасликни уйқу маданияти, деб тушунади. Бироқ жуда камчилик бунга риоя этади. Сўнг эса: "Кўп ишлайман, ҳаракатчанман, лекин негадир уйқумнинг мазаси йўқ", дея таажжубланишади.

Тунда ишлашнинг зарари кўп. Бироқ ҳаётнинг ҳам ўз талаби бор. Шу боис, уйқу вақтини иш учун сарфлаш ҳоллари юз бериши табиий. Америкалик мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги замон одамлари ҳафтасига уч соат кам ухлайдиган бўлишган. Бунинг бирор-бир яхши жиҳати йўқ. Негаки, генетик жиҳатдан шаклланган механизмга кўра, одамнинг қуёш ботгандан сўнг уйқуга кетиб, тонгда уйғониши табиий ҳол. Электрнинг кашф этилиши мазкур хронобиологик мувозанатни ўзгартириб юборди. Ҳолбуки, инсон аъзои бадани учун зарур гормонларнинг аксарияти уйқу пайтида ҳосил бўлади. Тўйиб ухламаслик семиришга, аёлларда ҳайз тизими ва бошқа жараёнлар бузилишига олиб келади.

Бундан ташқари, ухлаганда биз уйғоқ пайтимизда сарф этган куч-қувватни тиклаймиз, ички аъзоларимиз ўз ҳолатидан бош мияга хабар беради. Агар одам муттасил (бир ойдан кўпроқ) тўйиб ухлолмаса, бу унинг интеллектуал имкониятлари камайиши, хотираси заифлашиши ва бошқа муаммолар туғилишига олиб келади. Гиннеснинг рекордлар китобида энг узоқ ухламаган, яъни 264 соат (11 кеча-кундуз) давомида уйғоқ ҳолатда бўлган одам қайд этилган. Шу нарса ҳам аёнки, одам фақат беш кунгача ухламай юриши мумкин, бироқ шундан сўнг юриб бораётиб, кўзи очиқ ҳолда ҳам мизғишга мажбур бўлади. Негаки, биологик жиҳатдан ҳамма нарсадан уйқунинг эҳтиёжи қаттиқ: одам сувсиз ўн кунга, таомсиз эса бир ойгача ҳам чидаши мумкин. Бироқ уйқусиз...

Тиббиёт нуқтаи назаридан одамга бир кунда 5,5-6 соатли уйқу етарли бўлиши мумкин. Бундан ортиғи эса, ҳар бир одамнинг индивидуал хусусиятларига кўра белгиланади. Буни аниқлаш учун таътил пайти ҳар куни бир вақтда ётиб, истаганча ухланг. Бир неча кундан сўнг, уйқуга тўйгач, айтайлик, эрталаб соат ўн бирда эмас, соат еттида уйғонадиган бўласиз. Мана шу вақт уйқунгиз учун энг керакли муддат ҳисобланади. Бундан ками — кам, ортиғи — ортиқ!

Тадқиқотчиларнинг фикрича, агар одам йил давомида ҳафтасига ҳатто бир оқшом уйқудан қолиб ишласа ҳам бу унинг саломатлигига таъсир кўрсатмай қолмас экан. Яъни бу ҳолда кишининг хафақон, меъда яраси, қандли диабет касалликларига бошқаларга қараганда беш марта кўпроқ чалиниш эҳтимоли бор. Шу боис бир оқшом уйқудан қолган кишига икки кеча тўйиб ухлаш тавсия этилади.

Айримлар уйқуси бузилганига кўпам ташвишланмайди. Бугун бўлмаса эртага ухлаб оларман, деб бу ҳолатга беэътибор қарашади. Аслида эса, бу организмда кечаётган жараёнлар меъёрида эмаслигига нозик бир ишора. Иккинчи хато эса алкоголли ичимликдан ухлатувчи восита сифатида фойдаланишда намоён бўлади. Тўғри, бундай ичимликнинг таъсири бор, бироқ ҳеч ким бунинг учун зарур бўлган ўттиз граммнинг ўзи билан кифояланмайди-да... Учинчи хатолик эса, ухлатувчи дори-дармонларга рўжу қўйишдир. Ҳозир бундай воситаларнинг организмга зиёни камроқ бўлган янги турлари чиққан. Улардан танлаб фойдаланса бўлади.



## «ЎзАС» галереяси

***Сиз ушбу рукн остида жаҳон ва мамлакатимиз тасвирий санъати дурдоналаридан намуналар билан танишиб, улар ҳақида ёзувчи ва санъатшунос Нодир НОРМАТОВнинг шарҳларини ўқиб борасиз.***

# ЎЗБЕКНИНГ САРИШТА ҲОВЛИСИ

Шуҳрат Абдурашидов ўтган асрнинг 70-йилларида ўзбек тасвирий санъатида ўзига хос йўналиш яратган, унинг ривожига, кейинги авлоди санъатига катта таъсир кўрсатган истеъдодли рассомларимиздан бири эди. 29 ёшида бевақт вафот этган бу санъаткор ўзидан катта мерос қолдирди. Улар Ўзбекистон давлат Санъат музейи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Россия музейлари ва шахсий тўпламларда сақланади. Рассом ҳаёт бўлганида, бу йил 60 ёшга тўлган бўлар эди.

Рассомнинг "Болалик хотиралари" картинаси инсоннинг энг беғубор дамларига аталган бир қўшиқдир. Ушбу асар 1975 йилларда яратилган, республика ва халқаро кўргазмаларда намойиш қилиниб, юксак баҳо олган. Москвада чоп этиладиган "Творчество" журналида фоторепродукцияси чоп этилган. Асар ҳозирги кунда Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида намойиш этилмоқда.

Асарнинг олд саҳнида хаёлчан ёш йигит, унинг орқасида болалик дунёси деб аталмиш хотира ва тасаввурнинг рангин мавжларини томоша қиламиз. Рассом ўзи улғайиб ўсган макон – ўзбек ҳовлисининг кичрайтирилган, аммо бутун бир дунёни бағрига сиғдирган шаклини танлаган. Бунинг учун рассом томошабин нигоҳини маконга одатдагидек тўғридан эмас, юксаклик оша йўналтиради. Айни пайтда бу ошёндаги табиий рангларнинг товланишлари кучайтирилади, ундаги барча унсурлару тимсоллар — болаликка дахлдор уйлар, дарахтлар, қўқонарава, ҳовуз, сўри, пашшахона тутилган каравот, бағрини тўшакка бериб ётган ўсмир, унинг қадрдонлари — она, бобо, сингиллар, бари яхлит чизгиларда акс этади. Рассом бош қаҳрамон бошини ҳовуз шакли билан уйғунлаштириши натижасида хотира олами сари ўзига хос йўл намоён бўлади. Айни пайтда ундаги кичрайтирилган ҳар бир унсур бошқалари билан кўринмас ип — таассуротлар эпкинида боғланади.

Рассом ўзбекнинг саранжом-сариштa ҳовлисини тасвирлар экан, унда ҳашаматли иморатлар бўлмаса-да, самимият билан йўғрилган буюк ҳикматни — инсон ва табиат ўртасидаги табиий яқинликни ҳис қиламиз. Бу, эъзозланиб, ҳовузга қуйилаётган мовий-шаффоф сув, кўркам дарахтлар, шуълаланаётган қирмизи тупроқ. Ҳовлида рассом болалигида ҳамроҳ бўлган барча ашёларни тўплаб, уларни тартиб билан жойлаштиради. Кичик бир мато юзасига бунчалик кўп унсурлар, нарсаларнинг жойлаштирилиши рассомнинг композицион ечим санъатини нақадар теран эгаллаганидан далолат беради. Баъзи асарларда бундай тўлдирилган предметлар томошабин картинанинг бош мақсадини англашига халақит беради, унинг диққатини чалғитади. "Болалик хотиралари" картинасида эса бундай ҳолат сезилмайди.

Умуман, Шуҳрат ўз асарларини, баъзиларини истисно этганда, кўпроқ таассуротлар асосида ишлашни афзал кўрарди. Улардаги рангларнинг ёрқинлигини халқ амалий санъатининг гўзал намунаси бўлмиш — сўзана, палак ва кашталардаги жилоларга мослаштирарди. Биз бу асарда ҳам худди ана шу рангтасвир ечимини, жилоланишдаги ўзгарувчан эврилишларнинг гувоҳи бўламиз. Картинадаги ҳар бир тимсолга ўзига хос вазифа юклангaнлиги, улар жамулжам бўлган ҳолда катта бир қўшиқ сингари садо беришини ҳис қиламиз. Бу қўшиқда ўзбекнинг дардли, аммо ёруғ олами жуда моҳирлик билан акс эттирилгани учун ҳамиша қадрлидир.


**Диққат, танлов!**

**Музейларни қўллаб-қувватлаш республика "Ўзбекмузей" жамғармаси Республикамиздаги музейлар ходимлари учун либослар (униформа) танловини эълон қилади.**

Танлов Республикамиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Маданият ва санъат галереясида бўлиб ўтади.

***Ғолиб дизайнер ва тикувчининг ҳар бирига 1.000.000 сўмдан пул мукофоти ажратилган.***

Бундан ташқари, ғолиб дизайнерга — муаллифлик ҳуқуқи бўйича ҳар бир тикиладиган либос нархидан доимий равишда 2 фоиздан ажратиб борилади.

**Танловда аёллар ва эркаклар учун қишги ҳамда ёзги либослар намойиш этилади. Бундан ташқари матоларнинг табиийлиги, миллийлиги, қийматига, нархига, шунингдек, қулайлиги ва дизайнига алоҳида эътибор берилади.**

Қўшимча маълумотлар учун: Мустақиллик кўчаси 5-уй, 13 қават, 17-хонага ҳамда 239-45-50, 333-28-28 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Саломат Вафога онаси

**Раҳимажон ая ДУШАНБОЙ қизи**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*
*ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.21

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4789. Буюртма Г — 748. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН